


## Қулоқнинг ўзи Аллоҳнинг қудратига далил эмасми?



14:00 / 25.11.2025 741

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

قُلُوبِكُمْ عَلَيَّ وَخَنَمٌ وَأَبْصَرَكُمْ سَمِعَكُمْ اللَّهُ أَخَذَ إِنْ أَرَاءَيْتُمْ قُلْ

ثُمَّ الْآيَاتِ نَصْرٍ كَيْفَ أَنْظَرَ بِهِيَ يَأْتِيكُمْ اللَّهُ غَيْرِ إِلَهٍ مِّنْ

**«Сен: «Айтинг-чи, агар Аллоҳ қулоқ ва кўзларингизни олиб қўйса, қалбларингизга муҳр босса, Аллоҳдан ўзга қайси илоҳ уни сизга беради?» - дегин. Оятларни қандай келтиришимизга, сўнгра уларнинг қандай юз ўгириб кетишларига назар сол» (Анъом сураси, 46-оят).**

Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга амр қилиб, мушрикларга уларнинг кўзини очадиган савол беришни буюрмоқда. Уларни ўз таналаридаги баъзи аъзолари ҳақида ўйлаб кўришга чақир, демоқда:

**«Сен: «Айтинг-чи, агар Аллоҳ қулоқ ва кўзларингизни олиб қўйса, қалбларингизга муҳр босса, Аллоҳдан ўзга қайси илоҳ уни сизга беради?» - дегин».**

Қулоқ ҳамма инсонда бор. Бу аъзога ҳар лаҳзада инсоннинг иши тушиб туради. Бу одатий ҳол бўлганидан, одам унинг аҳамиятини кўпинча унутиб қўяди. Аммо ҳар бир инсон ақлини жойига қўйиб, инсоф ила ўйлаб кўрсинчи, қулоқ деб аталмиш муҳим бир аъзони унга ким берган? Турли садоларни қабул қиладиган, уларга қараб кимнинг, ниманинг овози эканини ажратиб оладиган ва яна шунга ўхшаш кўплаб нарсаларга хизмат қиладиган аъзони унга ким берган? Аллоҳдан бошқа бирор зот унга қулоқ бера оладими? Қулоқнинг тузилиши, унинг овозларни эшитиш ва фарқлаш жараёнининг ўзи Аллоҳнинг Холиқлигига ва Унинг чексиз қудратига далил эмасми? Ҳар бир махлуққа қулоқ ато қилиш у ёқда турсин, бутун дунё бирлашиб, бор имкониятларини ишга солганда ҳам бир дона қулоқ ярата олмайди. Ожиз ва нотавон инсон эса Аллоҳ берган ақл ва илмни ишлатиб, Аллоҳ берган қулоққа тушган пардани олиб қўйишни «мўъжиза» деб, ҳовлиқиб юрибди. Кўз, қалб ва бошқа аъзолар ҳақида ҳам узоқ гапириш мумкин. Бу борадаги мутахассислар фикридан огоҳ одам яхши тушунади. Қуръони Каримнинг мақсади – инсон ушбу ҳақиқатга инсоф назари билан қараб, ҳар бири ўзига ваъз-насиҳат олиши ва ўша аъзоларни берган Зотга иймон келтириб, Унга ибодат қилишидир. Аммо кофир ва мушриклар ибрат олмайдилар. Аллоҳ келтирган ҳужжат-далиллар бошқа ёқда қолиб, улар

бошқа томонга йўл соладилар.

**«Оятларни қандай келтиришимизга, сўнгра уларнинг қандай юз ўгириб кетишларига назар сол».**

هَلْ جَهْرَةً أَوْ بَغْتَةً اللَّهُ عَذَابُ أَنْكُمْ إِنْ أَرَأَيْتُمْ قُلْ

الظَّالِمُونَ الْقَوْمِ إِلَّا يَهْلِكُ ﴿٤٧﴾

**«Сен: «Айтинг-чи, агар сизга Аллоҳнинг азоби тўсатдан ёки очиқчасига келса, золим қавмлардан бошқалар ҳалок қилинмайдилар-ку!» - деб айт» (Анъом сураси, 47-оят).**

«Золим қавмлар»дан мурод мушрик-кофирлар. Уларга Аллоҳнинг азоби келиши муқаррар. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ. Қачон ва қаерда бўлмасин – эртами-кечми, тундами-кундузими, тўсатданми ёки аста-секинми, махфийми ёки очиқчасигами, барибир келади. Аллоҳнинг азоби келганда, золим қавмларгина ҳалок қилинадилар. Бас, шундай экан, Аллоҳнинг азоби келмай туриб, ўзларини ўнгласалар, иймон ва Ислом йўлига юрсалар бўлмайдими?

Кейинги оятларда пайғамбарларни юборишдан асосий мақсад турли мўъжизалар зоҳир қилиш эмаслиги, уларнинг вазифаси бошқалиги баён қилинади:

وَأَصْلَحَ أَمَنَ فَمَنْ وَمُنْذِرِينَ مُبَشِّرِينَ إِلَّا الْمُرْسَلِينَ نُرْسِلُ وَمَا

يَحْزَنُونَ هُمْ وَلَا عَلَيْهِمْ خَوْفٌ فَلَا



**«Расулларни фақат хушхабар берувчи ва огоҳлантирувчи қилиб юборурмиз. Ким иймон келтириб, ислоҳ қилса, уларга хавф йўқ ва улар маҳзун ҳам бўлмаслар»** (Анъом сураси, 48-оят).

Демак, анбиё алайҳиссаломларнинг асосий вазифалари яхшилик йўлига – иймон, Ислом йўлига юрганларга башорат бериш ва ёмонликдан – ширк-куфрдан огоҳлантиришдир. Қисқаси, кишиларни Аллоҳнинг йўлига бошлаш ва уларни тарбия қилишдир.

**«Расулларни фақат хушхабар берувчи ва огоҳлантирувчи қилиб юборурмиз».**

Одамларнинг вазифаси эса уларга иймон келтириш, эргашиш ва улар кўрсатган яхши амалларни адо этишдир.

**«Ким иймон келтириб, ислоҳ қилса, уларга хавф йўқ ва улар маҳзун ҳам бўлмаслар».**

Улар иймонлари ва амали солиҳлари туфайли Аллоҳнинг фазли ила жаннатга дохил бўладилар. Уларга келажакда хавфу хатар йўқ. Иймон ва амали солиҳ билан кечган умрлари саодатли бўлгани учун ўтмишларини эслаганда хафа бўлмайдилар.

Аммо ҳамма ҳам иймон келтириб, амали солиҳ қилавермайди. Табиийки, ундай кимсаларнинг ҳоли ҳам бошқача бўлади.

**«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 22 октябрдаги 02-07/6395-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.

